

«SHARQ-U G'ARB: NAVOIY VA GYOTE»

mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari

Articles of international scientific-theoretical conference on

«EAST AND WEST: NAVOI AND GOETHE»



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O‘ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI
JAHON ADABIYOTI VA QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI
MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATIONS OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVAI TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK
LANGUAGE AND LITERATURE
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY
DEPARTMENT OF «WORLD OF LITERATURE AND COMPARATIVE
LITERATURE STUDIES»

**«SHARQ-U G‘ARB:
NAVOIY VA GYOTE»**

*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari
2023-yil, 21-iyun*

Articles of international scientific-theoretical conference on

**«EAST AND WEST:
NAVAI AND GOETHE»**

June 21, 2023

UDK 885.711(50‘)
KBK 133.585.11

«Sharq-u G‘arb: Navoiy va Gyote» mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. –
Toshkent: «Nurafshon business», 2023. – 756 b.

ISBN 978-9943-7074-1-2

Mas’ul muharrir:

Shuhrat Sirojiddinov,
filologiya fanlari doktori, professor

Tahrir hay’ati:

Shuhrat Sirojiddinov (O‘zbekiston), Münevver Tekcan (Turkiya), Uzoq Jo‘raqulov (O‘zbekiston), Agnieska Vojta (Germaniya), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O‘zbekiston), Nurboy Jabborov (O‘zbekiston), Shafiqa Yorqin (Afg‘oniston), Nafas Shodmonov (O‘zbekiston), Рақымжан Тұрысбек (Qozog‘iston), Dilmurod Quronov (O‘zbekiston), Odinaxon Jamoliddinova (O‘zbekiston), Feruza Ikromxonova (O‘zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O‘zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O‘zbekiston).

«Sharq-u G‘arb: Navoiy va Gyote» mavzuidagi ilmiy tadqiqotlar to‘plamida ming yillik ijtimoiy-madaniy, adabiy-estetik munosabatlarda davom etib kelgan Sharq va G‘arbiy Yevropa badiiy tafakkuri tadrijiylik, adabiy tur va janrlar, obraz, uslub muammosiga ko‘ra o‘rganiladi. Xususan, Navoiy va Gyote ijodining tipologik xossalari har ikki mutafakkir dunyo adabiyotiga qanday ta’sir o‘tkazgani, tarjimashunoslik, adabiy aloqalar, tarixiy tipologiya kontekstida talqin etiladi.

Ilmiy to‘plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug‘ullanayotgan doktorant, tayanch doktorantlar; magistrant va bakalavriyat bosqichi talabalari, shuningdek, badiiy adabiyot masalalari bilan qiziquvchilar uchun mo‘ljallangan.

Ushbu to‘plamda «Sharq-u G‘arb: Navoiy va Gyote» mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjumaniga yuborilgan maqolalar jamlangan.

To‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti
Ilmiy-texnik kengashining 2023-yil 20-apreldagi navbatdagi yig‘ilishi qaroriga asosan nashrga
tavsiya etilgan.

Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

© Sh. Sirojiddinov, 2023.
© «Nurafshon business», 2023.

UDK 885.711(50‘)
KBK 133.585.11

«East and West: Navai and Goethe». Articles of international scientific-theoretical conference. – Tashkent: «Nurafshon business», 2023. – 716 p.

ISBN 978-9943-7074-1-2

Editor-in-Chief:

Shuhrat Sirojiddinov,
doctor of philological sciences, professor

Editors:

Shuhrat Sirojiddinov (O‘zbekiston), Münevver Tekcan (Turkiya), Uzoq Jo‘raqulov (O‘zbekiston), Agnieska Vojta (Germaniya), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O‘zbekiston), Nurboy Jabborov (O‘zbekiston), Shafiqa Yorqin (Afg‘oniston), Nafas Shodmonov (O‘zbekiston), Рақымжан Тұрысбек (Qozog‘iston), Dilmurod Quronov (O‘zbekiston), Odinaxon Jamoliddinova (O‘zbekiston), Feruza Ikromxonova (O‘zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O‘zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O‘zbekiston).

In the collection of scientific studies «East and west: Navai and Goethe» millinium socio-cultural, Eastern and Western European artistic thinking which has gradually continued in literary-aesthetic relations, literary types and genres, image are studied according to the problem of style. In particular, influence of typological characteristics of Navai and Goethe’s works on translation studies, literary relations and historical typology is interpreted in the context.

The scientific collection is designed for doctoral, base doctoral, masters and undergraduate students studying literary theory, literary criticism, literary history, comparative literature, translation theory, translation studies, as well as those interested in the issues of literature.

This collection includes papers submitted to the International Scientific-Theoretical Conference «East and West: Navai and Goethe».

The collection was recommended for publication by the decision of the meeting of the Scientific and Technical Board of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navai on April 20, 2023.

The views of the authors may differ from the point of view of the editors.

© Sh. Sirojiddinov, 2023.
© «Nurafshon business», 2023.

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВНИНГ САРЛАВҲА ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

Аннотация. Мазкур мақолада ёзувчи Нормурод Норқобиловнинг ҳикоялари сарлавҳаси хусусида сўз боради. Шунингдек, адибнинг ҳикояга сарлавҳа танлашдаги индивидуал маҳорати ва сарлавҳанинг поэтик таснифи ҳақида тўхталиб ўтилади. Сарлавҳалар детал, макон, замон, рамзий, эмоционал, образ номидан олинган таснифларга бўлиниб таҳлилга тортилган.

Калим сўзлар: ҳикоя, сарлавҳа, детал, макон ва замон, образ, асар концепцияси.

Abstract. This article is about the title of the stories of the writer Normurod Norkabilov. Also, the writer's individual skill in choosing a title for the story and the poetic classification of the title are discussed. The titles were divided into classifications derived from the name of detail, space, time, symbolic, emotional, and image.

Keywords: story, title, detail, space and time, image, concept of the work.

Ёзувчи Нормурод Норқобилов «Дашту далаларда», «Қорақуюн», «Бекатдаги оқ уйча», «Овул оралаган бўри», «Чангалзор ити», «Қорабўри» каби йигирмага яқин роман ва қиссалар муаллифи. Шу билан бирга «Капалак», «Орият», «Жудолик қувончи», «Четдаги одам» ва бошқа юзга яқин ҳикоялари мавжуд бўлиб, биз адиб ҳикояларининг сарлавҳаси масаласига тўхталамиз.

Адабиётшунос А.Расулов бадиий асар сарлавҳаси ҳақида «бадиий асарнинг номи – семиотик калит. Калит эса моҳияти, борлиғини белгиловчи концепциянинг аниқ, лўнда ифодаси [6:53]» – деб ёзган эди.

Сарлавҳа ҳақида сўз борганда кўп ҳолларда унга бадиий асарнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи муҳим композицион унсур сифатида қарашади.

«Сарлавҳа асар мазмун-моҳиятига тўлиқ мос келиши, мавзу ва ғояси билан боғлиқ бўлиши ҳамда ёзувчи концепциясини акс эттириши керак. Сарлавҳани танлашда асар яратилган замон ва макон, муайян адабий ҳаракат, ва мактабга хос хусусиятларга амал қилиниши, тур ва жанр каби бадиий мезонлар мавжуд. Сарлавҳа муаллифнинг индивидуал услуби, олам ва одам муносабатларини идрок этиш маҳорати асосида танланади. Сарлавҳа бадиий матннинг кучли нуқталаридан бири ҳамда матнни яратишдаги ижодкорнинг кучли позицияси, ўз навбатида, олдинга силжиш

усулларидан биридир. Бинобарин, сарлавҳа бадиий матннинг муҳим таркибий қисмидир [7:142]».

Шунингдек, К.Ҳамраев «Ҳикоя композицияси» номли монографиясида сарлавҳанинг типлари ва структурасига алоҳида тўхталиб, «ижодкор матн мазмунини маълум бир сўз ёхуд жумлага жо қилар экан, бадиий асар моҳиятини сарлавҳага яширади. Бошқача айтганда, сарлавҳа ижодкорнинг бадиий нияти, асар ғояси, образлар тизими ва барча унсурларни ягона фокусга жойловчи митти асардир [8:94]» – дея ёзади. К.Ҳамраев ўз монографиясида сарлавҳанинг тўрт хил турини келтириб, руҳий-эмоционал сарлавҳалар каторида А.Қаҳҳор «Даҳшат», Ш.Холмирзаев «Кўнгил», «Нимадир йўқ бўлди», А.Йўлдошнинг «Ёлғон ва ҳақиқатлар» ҳикоялари билан бирга Н.Норқобиловнинг «Айрилиқ қувончи» ҳикоясини ҳам санаб ўтади. Руҳий-эмоционал сарлавҳалар ҳақида гапириб, К.Ҳамраев «Қайсидир руҳий ҳолатнинг бутун асарда мужассам қилиниши сабабли у сарлавҳа ўлароқ ҳикоя тепасидан жой олади [9:100]». – дейди. Юқоридаги сарлавҳа ҳақидаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижодкор ўз асарини ёзиш жараёнида унинг онгида асарни жамлаб, бутлаб турган ягона бир чизик, йўл, дейлик, бу асар ғояси бўлсин, мавжуд бўладиги, сарлавҳа ана шу ғоянинг ёки айтайлик, асар мазмунининг мухтасар номи. Ушбу жумлалар сарлавҳанинг бутун моҳиятини ўзида ифода этмаган бўлса-да, ҳар ҳолда асарнинг барча қисм ва бўлақларини ўзида мазмунан ифода этган лўнда бир сўз ёки жумла кўз олдимизда сарлавҳани гавдалантиради. Сарлавҳа танлаш табиийки, муаллифнинг маҳорати билан бевосита боғлиқ, баъзи асарларнинг номлари ижод жараёнида дунёга келса, айрим асарлар якунига етгач, муаллиф унга сарлавҳа қўяди. Ҳатто, баъзида муаллиф асар номини ўзгартириб, бошқа сарлавҳа қўяди. Бундай ҳолатлар адабий жараёнда кўпда кузатилмайдиган ҳол ҳисобланади. Масалан, моҳир ҳикоянавис Шукур Холмирзаев «Ҳавас» (1972) номини ўзгартириб «Ўзбекнинг соддаси» сарлавҳасини қўяди. Шунингдек, ёзувчи Тўхтамурод Рустам ўз романини «Капалаклар ўйини» деб номлаган бўлса, кейинги нашрда «Денгиз кўрмаган одамлар» сарлавҳасини қўйган.

Нормурод Норқобиловнинг ҳикояга сарлавҳа танлаши бошқа адибларникидан фарқ қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, адиб ижодининг композицион ўзига хослиги айнан сарлавҳада кўзга ташланади. Масалан, адиб бир ҳикояга икки хил ном қўяди ёки бир номда икки хил ҳикоя яратганки, биз адиб ижодидаги бу жиҳатга алоҳида эътибор қилишимиз зарурати туғилади. Уларни қуйидагича шартли уч хил гуруҳга ажратиб олдик.

1. Сарлавҳа ўзгарса ҳам маъносини қисман сақлаб, асарнинг ғоявий мазмуни ўзгаришга учрамаган ҳикоялар: «Юк» ҳикояси (*Ёшлик журнали 1984 йил, 2-сон*) «Таватош» номи билан (*1987 йилда нашр қилинган «Зангори кўл»*) «Айрилиқ қувончи» (2010) ёки «Жудолик қувончи» (*«Четдаги одам» 2016 йил, «Танланган асарлар» 2022 йилда*), «Қўшиқ» (2000 йил) ёки «Мунг» (*«Четдаги одам» 2016 йил, «Танланган асарлар» 2022 йилда*) ва «Бўрон кўпган кун» (2005) ёки «Қуюн» (*«Четдаги одам» 2016 йил*) ҳикоялари.

2. Сарлавҳа ўзгариши билан асар ғоявий мазмуни мутлақ ўзгарган, бироқ айна сюжет сақланган. Жумладан, «Орият» (*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2014 йил 13-сон*) ҳикоясининг сарлавҳаси кейинги нашрда «Четдаги одам» номи билан ўзгарган (*шу номдаги ҳикоялар тўплами 2016 йилда эълон қилинган, 2022 йилда «Танланган асарлар»ига ҳам шу ном билан киритилган*).

3. Бир ном турли хил сюжетдаги асарларга қўйилиши. Адиб «Ўғри» сарлавҳаси остида **уч хил сюжетдаги** ҳикоя ёзган (*«Унитилган қўшиқ» ҳикоялар 1990, ҳикоя қаҳрамони Саттор, «Пахмоқ» қисса ва ҳикойлар 1997, асар қаҳрамони Воҳид, 2016 йилда ҳикоя қаҳрамони Мирҳайдар*). «Кураш» (*ҳикоя қаҳрамони Ҳамида момо*) сарлавҳаси 2013 йилда эълон қилинган ҳикояга ва 2018 йилда эълон қилинган қиссага (*қисса қаҳрамони Хуррам қотма*) ҳам қўйилган. 2000 йилда нашр қилинган «Бекатдаги оқ уйча» тўпламидан «Орият» номли ҳикоя жой олган бўлиб, унинг юқоридаги 2014 йилда ёзилган ҳикоядан сюжети мутлақ фарқ қилади. Ушбу асар қаҳрамони – Ҳасан полвон.

Юқорида сарлавҳа ўзгарса ҳам, маъносини қисман сақлаб қолган ҳикоялар қаторида «Жудолик қувончи» (*«Айрилиқ қувончи»*) ҳикоясини санаган эдик. Ушбу ҳикояга «Айрилиқ қувончи» номини қўйган адиб кейинги нашрларда сарлавҳани қайта ўзгартиради. Чунки сарлавҳа учун танланган «айрилиқ» сўзи асарнинг моҳиятини тўла ифода этмайди. Асар қаҳрамони бола бобоси Норбой чолдан айрилмади, балки бутунлай жудо бўлди. Бизнингча ҳам асарнинг «Жудолик қувончи» деб номланиши тўла маънода ўзини оқлайди.

Ҳикоянинг илк жумласи хабар билан *«бола дўнгда бобоси Норбой чолни кун қайтганидан бери кутади [4:247]»*, дея бошланади. Бизнингча, мана шу илк жумланинг ўзида асарда рўй берадиган воқеликка ишора бор. Яъни кун қайтиши, қуёшнинг яқин орада ботиши, кун якунидан образли қилиб айтганда «умр шоми»дан дарак беради.

Ушбу ҳикояда ҳис-туйғулар, образлар, деталлар қарама-қарши қўйилганини кўрамиз.

Йиғи ва қувончнинг бир-бирига қарши қўйилиши чин маънода муаллиф маҳоратини кўрсатади. Зеро, чинакам бадий асаргина қайғуда қувонч, қувончда қайғуни ифода этади.

Асарда бола ва Мусо образларининг характери Ёмонқул, Бозор, чолнинг кизи феъл-атворига қарши қўйилади. Адиб исмларни ҳам асар персонажларининг характер хусусиятларидан келиб чиқиб танлайдики, Бозор, Ёмонқул образлари нафс кишилари сифатида гавдаланади. Ёзувчи «Четдаги одам» ҳикоясида ҳам Мусо исмини қўллаган, иккала ҳикояда ҳам Мусо исми рамзийлик касб этиб, инсонийлик тимсолига айланади.

Асарда деталар маълум маънода рамзийликка эга. Ҳикоя дўнглик деталидан бошланган бўлса, якунида қотган нонни чумолилар инига ташиб кетиши тугайди. Дўнглик детали ҳаётни, чумолилар ини эса қабрни ифодалайди. «Сарлавҳада маънавий зидлов кучли математик ҳисобда $2 \times 2 = 4$ бўлганидек, ҳаёт мантиғига кўра ҳам «жудолик» сўзи «қайғу, изтироб» сўзлари билан мувофиқ келади. Жудолик одам боласини қувонтиради дейиши $2 \times 2 = 5$ дегандек гап. Бироқ асл адабиёт мана шу парадоксал ҳақиқатни исботлай олади.

Н.Норқобилов ҳам мана шу икки зидни бир ҳикояда жамлаб, бадий асослаб беришга эришган. Ҳикоя қаҳрамони – бола дўнгга чиқиб олиб, кемшик оғзида қотган нон шимаётган, мункайибгина шаҳардаги ўғлини кутаётган бобосини яхши кўради. Айни пайтда унинг тезроқ ўлишини истайди. Ҳикоя мана шу истакни асослашга, бадий-мантикий ечимини топишга қаратилган [3:3]».

«Мунг» («Қўшиқ»), «Бўрон қўпган кун» («Қуюн») ҳикояларининг сарлавҳаси ҳақида айтиб ўтиш керакки, адиб «Танланган асарлар» (2022) тўпламида яна қайтадан мазкур ҳикояларни «Мунг» ва «Бўрон қўпган кун» сарлавҳалари билан эълон қилди. Ҳикояларнинг сюжетида келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ушбу сарлавҳалар ҳар иккала ҳикояга муносиб ном. «Бўрон қўпган кун» ҳикоясида қаҳрамон асар бошидан психологик жихатдан тайёрлаб келинади. Санам холанинг ичдан аста-секинлик билан етилиб келаётган, ор-номусни унутган гузардаги кимсаларга бўлган алам ва нафрати бир кун келиб кутилмаганда бўрон каби ўзини кўрсатиши аниқ эди. «У қассобни нигоҳи билан «нимта»лаб, нари ўтади. Емакхонага етиб-етмай тўхтади. Кўзлари Эшқул сомсапазни гангитиб, стол теvaraгида ўтирганларда кўним топади. Нечундир фақат тук босган энсалару яғир ёқаларнигина кўради. Ўтирганлар қиёфасини илғамайди, тўғрироғи, илғаймайди. Шунда олам кир, тириклик чиркин туюлади. Нажот истаб, уфққа кўз ташлайди. Уфқ тупроқ рангида, осмон ҳам шу тусда. Қайноқ гармсел борлиқни тўзонга буркамоқчидек, ўқтин-ўқтин қутуради. Оқибат,

кишилик қиёфаси чангга беланган-у, уларда мана шу тук босган энсалару яғир ёқаларгина қолгандек гўё. Бундан унинг юраги баттар сиқилади ва беихтиёр тилига шу гаплар кўчади: «Худойими-ий, буларни яратиб нима қилардинг, а?! [5:246]» Келтирилган парчада адиб ҳар бир детал ва пейзаждан моҳирона фойдаланади. Пейзаж қаҳрамон руҳиятига мос тасвирланади. Айниқса, гармселни гўёки борлиқни тўзонга буркамоқчидек тасвирланиши асарда содир бўлажак «бўрон»дан дарак, ишора бериб турибди. Асар якунида Санам хола қўлида болта ушлаганча шиддат билан отилиб гузардагилар қарши чиқиши улар учун тўсатдан пайдо бўлган бўрон каби даҳшатли бўлди.

Агар ёзувчи сарлавҳага «Қуюн»ни чиқарганда эди икки жиҳатдан асарга мос келмаган бўлар эди. Биринчидан, қуюн сўзи бўронга нисбатан муаллиф юкламоқчи бўлган маъно билан бирга асар сюжетини ўзида ифода этолмайди. Иккинчидан, асарда қаҳрамон ичидаги ғазабнинг пайдо бўлиши, унинг секинлик билан, кун сайин кучайиб, ошиб бориши ва куни келиб ўзини кўрсатиши тасвирланган. Шу томондан қаралса, асар воқелигини, у содир бўладиган кунга берилган ишорани «Бўрон қўпган кун» сарлавҳаси ифодалай олади.

«Мунг» ҳикоясида ҳам «Бўрон қўпган кун» ҳикояси сингари руҳий-эмоционал тасвир хусусияти устунлик қилишини кузатамиз. Асарда қаҳрамоннинг воқеликка муносабати сентименталлик касб этиб, чолнинг ички изтироблари, эмоционал ҳолати тасвирланади. «Мужжалари юмик, бунақа пайт ҳеч нарсани кўрмайди, эшитмайди. Кўз ёшлари ажин тилимлаган кўзларини юмиб, мошгуруч соқолида марварид доналаридай қотаркан, ботаётган қуёшнинг қизғиш нурида бамисоли ёқутдай товланади. Қуйлаётганида чол бу оламнинг одами бўлмай қолади. Овози ўтмишнинг теран чоҳларидан селқиб чиқаётгандек, кишида ғалати бир ҳисни туғдиради – этни жунжиктиради, ҳам хаёлга толдиради. Дунё кўхна, у эса дунёдан ҳам қадим кўринади [6:147]».

Келтирилган парчада қаҳрамон руҳий оламининг ич-ичига кириб, унинг юраги тубидаги алам ва изтиробнинг моҳирона чизилган тасвирини кўрамыз. Қачонлардир севикли аёлидан ажралган, ёлғиз, чолнинг мунгли, эзгин қиёфасининг гавдаланиши, бу алам ва дард ҳикоя сўнгига қадар қаҳрамонни тарк этмаслиги асарга «Қўшиқ» сарлавҳасини танланиши мос келмаслиги эканлигини кўрсатади. «Қўшиқ» сўзи маълум маънода ижобий бўёқдорликка эга, у тушқунликни эмас, жўшқин ва кўтаринки кайфиятни билдиради. Қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ва асар мазмуни жиҳатидан қараганда «мунг» сўзи ҳазинлик, маъюслик маъноларини англатиши сабабли сарлавҳа

даражасига чиқа олади. Шунинг учун муаллиф «Қўшиқ» сарлавҳаси ўрнига «Мунг»ни қайта қўйиши ўзини оқлайди.

«Четдаги одам» ёки «Орият» ҳикоялари. Биз икки ном билан аталадиган *ягона сюжетдан* иборат ушбу ҳикояларни кейинги ўринларда «Четдаги одам» ва «Орият» сарлавҳалари билан аталадиган *икки мустақил ҳикоя* сифатида қараймиз. Ҳикоя воқеалари марказида турган, унинг сюжетини силжитиб, ривожлантирадиган, асар ғоясини ўзида ташийдиган *Мусо ферма* образи «Четдаги одам» ҳикоясининг бош қаҳрамони саналади. Ушбу ҳикоянинг номи асардаги образ номидан келиб чиққан сарлавҳа ҳисобланади.

«Орият» ҳикоясида детал сифатида ор-номус туйғуси асар қисмлари, эпизодларини жамлаб туради. Бадиий деталнинг бир тури бўлган руҳият детали сарлавҳа даражасига кўтарилади. Ушбу ҳикоя қаҳрамони *бола*.

Нормурод Норқобилов ўз ҳикояларига қисқа-лўнда сарлавҳа танлайди. Адиб образлиликка, рамзийликка, полисемантикка эга сўзларни сарлавҳага олиб чиқмайди. Ш.Холмиров («*Бодом қишда гуллади*», «*Кузда баҳор ҳавоси*», «*Булут тўсган ой*», «*Оламнинг тортишиши қонуни*», «*Яшил нива*») ёки Назар Эшонқул («*Шамолни тутиб бўлмайди*», «*Маймун етаклаган одам*», «*Култой*», «*Баҳовуддиннинг ити*») каби образли сарлавҳалар Нормурод Норқобилов ҳикояларида деярли учрамайди. Адиб нисбатан анъанавий йўлдан боради. Ёзувчининг сарлавҳалари Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг номларини ёдга солади («*Анор*», «*Томошобог*», «*Даҳшат*», «*Адабиёт муаллими*»). Ёзувчи ҳикояларининг сарлавҳасини қуйидагича тасниф қилиш мумкин. Булар деталь, макон, замон, рамзий, эмоционал, образ номидан олинган шартли таснифга кирувчи сарлавҳалар. Шартли дейишимизга сабаб шуки, эмоционал сарлавҳа рамзийликка тегишли бўлиши ёки вақт ва замон таснифидаги сарлавҳа бошқа таснифга ҳам алоқадор бўлиши мумкин.

Детал сарлавҳа «Рўмолча», «Таватош», «Капалак», «Кудук» «Китоб» ва бошқа сарлавҳалардир. Адиб ҳикояларининг катта қисмини детал сарлавҳалар ташкил этади. Детал сарлавҳалар ҳақида гапирганда айтиб ўтиш керакки, ҳикоя сюжетида бадиий детал муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, қаҳрамонлар тақдирида ҳам катта роль бажаргани учун асар сарлавҳаси даражасига чиқади. Масалан, ёзувчининг «*Рўмолча*» ҳикоясини оладиган бўлсак, у «...характерли бир детал – оддийгина рўмолча билан боғлиқ ҳодисалар асосига қурилган. Ҳикояда ошиқ-маъшукларга дахлдор, тасодифан бола қўлига тушиб қолган, бош ҳошиясига қизил ипак билан тўр тўқилган, бир четига эса ошиқ-маъшуклар исмининг бош ҳарфи чатилган оддий сариқ рўмолча бир неча персонажлар бисотини очиб берувчи сеҳрли

калит вазифасини ўтайди. Асарни ўқиганда шу нарса маълум бўладики, йигитга тақдим этилган рўмолча қизнинг бутун қалб кўри, орзу-умидлари рамзи; йигит рўмолчани тушириб қолдирган экан, бу шунчаки тасодиф эмас, балки қизнинг азиз туйғуларига нописандлик, бефарқлик оқибати, ҳикоя пировардида аён бўлган хиёнатнинг ибтидоси; тасодифан бола кўлига тушиб қолган бу рўмолча унинг хаёлини алғов-далғов қилиб юборади, шу рўмолча туфайли у қизнинг азиз туйғулари, қалб саховати ва чексиз изтиробларига шерик тутати. Сохта ошиқнинг қаллоблиги, хиёнати ва жиноятдан огоҳ бўлади; бу аламларга дош беролмай ҳушдан кетади; пировардида яна ўша таниш сеҳрли детал – сариқ рўмолчага дуч келамиз. Йўқ, бу қиз йигитга тақдим этган, йигит ташлаб кетган рўмолча эмас, бола топиб берган азиз бисот ўрнига, унинг сўровига кўра қиз тақдим этган бошқа бир сариқ рўмолча; йигит хиёнати, қиз ҳалокатидан кейин бола учун ниҳоятда ардоқли бу рўмолчани у ҳушдан кетганда бузоқ ямлаб ташлаган ҳолда кўрамиз... Шу тариқа ҳикояда оддий детал жиддий маънодорлик касб этиб, муайян бадий мақсадга хизмат қилади [2:39]».

Макон билан боғлиқ сарлавҳаларга «Пивахонада», «Йўлда», «Чорраҳа», «Йўлак», «Зиёратгоҳ», «Даштда», «Энатепа», «Қоровултепа», «Яккасув», «Тепалик» ҳикоялари мисол бўлади. Ушбу сарлавҳалар, ҳикоя сюжети конкрет макон доирасида кечиши ёки муайян макон деталининг бадий образ даражасига чиқиши билан характерланади. Бу хил ҳикоялар асосий планда қаҳрамоннинг ички олами билан параллел равишда маънавий қиёфаси, эътиқодини тасвирлаши жиҳатидан ажралиб туради. Шунингдек, асар воқелиги рўй берадиган макон қаҳрамон тақдирида ёки руҳиятида кескин бурилиш ясайди.

Бадий асар сюжетида вақтни, замонни ифодаловчи сарлавҳаларга адибнинг «Ёмғирли оқшом», «Тўй кечаси», «Ёзнинг биринчи куни», «Тунги меҳмон» ва бошқа ҳикоялари киради. Ушбу ҳикоялар сюжети макон ва замон чегарасида, бир хранатоп доирасида кечади. Масалан, «Тунги меҳмон» ҳикоясида бадий воқелик Чаманойнинг ҳовлиси ва тун билан чегараланса, «Ёзнинг биринчи куни»да воқеалар дарё соҳилида, қуёш ботгунгача рўй беради.

Қаҳрамоннинг эмоционал ҳолати билан боғлиқ сарлавҳали ҳикояларга «Мунг», «Қувончли кун», «Бўрон кўпган кун», «Алам», «Тугатилмаган сурат» кабилар киради. Мазкур ҳикояларда қаҳрамоннинг ботиний ҳис-туйғуларини тасвирлаш етакчилик қилади. Бунга «Мунг» ҳикоясида ички дард ва изтиробнинг кенг тасвирланиши аниқ мисол бўлади. Бу хил сарлавҳали ҳикояларда ташқи ёки ички таъсир натижасида қаҳрамон муайян руҳий ҳолатни бошдан кечирилади.

Образ номидан ёки исмидан олинган сарлавҳаларга «Булок», «Дўнгкалла», «Қизча», «Қашқа», «Сут сотувчи бола», «Чол ва бола», «Четдаги одам» ҳикоялари киради. Ушбу сарлавҳалар бевосита ҳикоянинг бош образ номидан олиниб, сарлавҳа ўлароқ асар тепасидан жой олган. *«Асар номларида қаҳрамонларга урғу берилади, сюжет йўналиши шу образлар билан боглиқ эканлигига ишора қилинади [1:146]».*

Рамзий сарлавҳага эга бўлган ҳикояларга «Қуёши ботмайдиган юрт», «Қуёш тутилган кун», «Унутилган қўшиқ», «Зангори кўл» ва бошқалар киради. Ушбу сарлавҳалар ўзига хос, шартли рамзийликка эга. «Қуёш тутилган кун» ҳикояси сюжетида қуёшнинг тутилиши охириги замонга, қиёматга ишора қилади. «Унутилган қўшиқ» ҳикоясида эса ёшлик даврига ишора қилинади.

Хуллас, сарлавҳа асарнинг мазмунини белгиловчи композиция унсури сифатида кўзга ташланади. Адиб ўз ижодий ниятига кўра асарларига ном қўяди. Асарнинг муҳим таркибий қисми саналган сарлавҳа орқали ўқувчи асар оламига кириб боради. Деталь ва эмоционал сарлавҳалар бошқа таснифлардаги сарлавҳаларга нисбатан кўпроқ қўлланади. Нормурод Норқолиловнинг сарлавҳа қўллашдаги маҳорати адиб ҳикоялари концепциясининг яхлитлигини таъминлашига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т.: «Ўзбектстон», 2002. Б.146.
2. Ёшлик журнали 1983-йил, 2-сон. Б.39.
3. Жўрақулов У. Берса инояти, йўқса синоати. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018, 7 декабрь №50.
4. Норқобилов Н. Танланган асарлар Т.: «Фердавс-Шох», Б.247.
5. Норқобилов Н. Танланган асарлар Т.: «Фердавс-Шох», Б.246.
6. Норқобилов Н. Танланган асарлар Т.: «Фердавс-Шох», 146-147.
7. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007. – Б.52-53.
8. Тўраева Б. Замонавий романчиликда хронотоп поэтикасининг қиёсий-типологик тадқиқи. (Ч. Айтматов ва Н.Норқобилов романлари мисолида) Т.: «EFFECT-D» 142.
9. Ҳамраев К. Ҳикоя композицияси. – Т.: Нурафшон бусинесс, 2020. – Б. 94.
10. Жўрақулов У. (2023). «Илми балоғат»нинг маншаъи. Sharq-u G‘arb renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir Mavzuidagi Mavzuidagi Xalqaro Ilmiy-Nazariy Konferensiya Materiallari, 1(1). извлечено от <http://universal-adabiyotshunoslik.tsuull.uz/index.php/conference/article/view/2>

11. Jo‘raqulov U. Nazariy poetika masalalari. – Toshkent: G‘afur G‘ulom NNMIU, 2015.

12. Асадов М. (2023). «Ёлғизлик мотиви»нинг поэтик талқини. Sharq-u G‘arb renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir Mavzuidagi Mavzuidagi Xalqaro Ilmiy-Nazariy Konferensiya Materiallari, 1(1). извлечено от <http://universal-adabiyotshunoslik.tsuull.uz/index.php/conference/article/view/25>

13. Ҳамроев К. (2023). «Садди Искандарий» ва «Ҳамлет»да «билиб қолиш» мотиви. Sharq-u G‘arb renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir Mavzuidagi Mavzuidagi Xalqaro Ilmiy-Nazariy Konferensiya Materiallari, 1(1). извлечено от <http://universal-adabiyotshunoslik.tsuull.uz/index.php/conference/article/view/16>

MUNDARIJA

	ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ	БАШАРИЙ ТАФАККУРНИНГ ИККИ ЧЎҚИСИ: НАВОИЙ ВА ГЁТЕ	4
1-ШЎБА.			
НАВОИЙ ВА ГЁТЕ: ЭСТЕТИКА, ПОЭТИКА, ТИПОЛОГИЯ			
1.	УЗОҚ ЖЎРАҚУЛОВ	ЭЗОТЕРИК ТАФАККУР УНИВЕРСАЛИЯСИ: НАВОИЙ, ШЕКСПИР, ГЁТЕ	8
2.	АКМАЛ САИДОВ	ГЁТЕ – ҒАРБУ ШАРҚ ҚУЁШИ	31
3.	ALMAZ ÜLVİ BİNNATOVA, RUHŞANƏ VASIYEVA	ƏLİŞİR NƏVAİNİN YARADILIĞINDA İSGƏNDƏR OBRAZI	49
4.	СУВОН МЕЛИ	«ФАУСТ» ТРАГЕДИЯСИ ТАРЖИМАСИДА «АНАЛХАҚ» ИСТИЛОҲИ	61
5.	ODINAXON JAMOLDINOVA, GULBAHOR KINJAYEVA	SHARQ VA GʻARB TARANNUMI BUYUK SIYMOLAR NAZDIDA	66
6.	Colin DÜRKOP	GRUSSWORTE ZUR KONFERENZ "OSTEN UND WESTEN: GOETHE UND NAWOI"	70
7.	РАҚЫМЖАН ТҰРЫСБЕК	ӘДЕБИ БАЙЛАНЫС ПЕН РУХАНИ САБАҚТАСТЫҚ	72
8.	İSA HƏBİBBƏYLİ	ƏDƏBİYYATDAN – ƏBƏDİYYƏTƏ	82
9.	MÜNEVVER TEKCAN	A HANDBOOK FOR TEACHING THE RIGHT THOUGHTS AND IDEAS: BABUR-NAMA AS A NASIHAT-NAMA	90
10.	NURBOY JABBOROV	ALISHER NAVOIY VA SHARQ ISLOM ADABIY-ESTETIK TAFAKKURI	96
11.	NAFASXON SHODMONOV	БЕВАНО НІКМАТ ДҮРІ	106
12.	ХУРРАМ РАХИМОВ	ГЁТЕ ИБРАТЛАРИ ВА ФАУСТ САБОҚЛАРИ	111
13.	ГУЛНОЗ ХАЛЛИЕВА	«ТУРКИЙ ЭТЮДЛАР»ДА ШАРҚ АДАБИЁТИ	117
14.	МАҚСУД АСАДОВ	НАВОИЙ ҚИТЪАЛАРИ: ОБРАЗ, МАЪНО ВА ТАСВИРДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР	122
15.	ЖАНБОТА КАРИПБАЕВ	ӘЛЕМ ӘДЕБИ КЕҢІНДЕГІ МІР ӘЛШЕР НАУАИ МҰРАСЫНЫҢ ТАНЫЛУЫ ЖӘНЕ ҚАЗАҚ ӘДЕБИЕТІНЕ ЖАСАҒАН ЫҚПАЛЫ	131
16.	IQBOLOY ADIZOVA	«MAJOLIS UN-NAFOIS»DA YODGA OLINGAN UCH SHOIRA	137
17.	DILNAVOZ YUSUPOVA	ALISHER NAVOIY «XAMSA»SI VA USMONLI TURK ADABIYOTI	143
18.	ŞƏBNƏM BABAYEA	ƏLİŞİR NƏVAİ ŞƏXSİYYƏTİ VƏ ONUN TƏZKİRƏ YARADICILIĞI	149
19.	GʻAYRAT MURODOV	UYGʻUN TAFAKKUR QUTBLARI	157
20.	АЛЬБИНА РАХМАНОВА	ГЁТЕ И МИР ВОСТОКА	162
21.	ДАРМОНОЙ ҲАЕВА	АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ГЁТЕ ИЖОДИДА ҲОТАМ ОБРАЗИ	167
22.	ШОИРА АХМЕДОВА	ШЕЪРШУНОС ГЁТЕ	171
23.	УСМОН ҚОБИЛОВ	НАВОИЙ «ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР»ИДА ЮСУФ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ	177

24.	РОВИЯЖОН АБДУЛЛАЕВА	НАВОИЙ ВА ГЁТЕ: ҲАЁТИЙ МУШТАРАК НУҚТАЛАР	181
25.	OZODA TOJBOYEVA	TIMSOL – MONIYATNI ANGLATISH VOSITASI	195
26.	KOMILJON HAMROYEV	NAVOIY VA GYOTE HIKMATLARINING PAREMIK XUSUSIYATLARI	199
27.	ОДИЛЖОН САФАРОВ, УМИДА ОМОНОВА	ТАРЖИМАВИЙ ТАФАККУРНИ ТЎҒРИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	207
28.	НАСИБА БОЗОРОВА	«ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ»ДА ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР	216
29.	ГУЛБАҲОР АШУРОВА	НАВОИЙ ОБРАЗИ ВА ЯНГИЧА ТАЛҚИН	220
30.	БАҲОР ТўРАЕВА	НАВОИЙ ВА ГЁТЕ: ШЕЪР, ШОИРЛИК ХУСУСИДА	227
31.	LALƏ ƏLƏKBƏROVA	ƏLİŞİR NƏVAİNİN XX ƏSR AZƏRBAYCAN ŞAİRLƏRİNƏ TƏSİRİ	232
32.	ТОЖИ НОРОВ	НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА КОСМОС, МАКОН ВА ЗАМОН	239
33.	АЛИШЕР РАЗЗОҚОВ	НАВОИЙ ИЖОДИДА АРАСТУ ОБРАЗИНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНИ	246
34.	МАНМАДИЙОР АСАДОВ	SIZIF HAQIDA MIF: KAMYU VA XURSHID DO‘STMUHAMMAD	251
35.	ЕКАТЕРИНА РОГАЧЕВА	BERÜHMTE LITERATURFIGUREN AUD DEM OSTEN UND WESTEN	260
36.	KANIMKOOL TADJIYEV	HAMLET AND HIS CHARACTER	264
37.	SHAHNOZA RAZAKOVA	EAST AND WEST, NAVOI AND GOETHE	270
38.	СОБИТ АВЕЗОВ	НАВОИЙ ВА ГЁТЕ: МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАР УЙҒУНЛИГИ	274
39.	АЛИШЕР МАҲМУДОВ	ГЁТЕ ИЖОДИДА ШАРҚ ГУМАНИЗМИ	278
40.	МАХЛИЁ МИРЗААХМЕДОВА	ГЁТЕ АСАРЛАРИДА МАЪРИФАТЛИ ШАХС ТАЛҚИНИ	285
41.	МУСТАФО БАЙЭШАНОВ	ИСТОРИЧЕСКИЕ ЛИЧНОСТИ УЗБЕКИСТАНА В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ В.И. ДАЛЯ	290
42.	НАФОСАТ ЎРОҚОВА	ГЁТЕ ДЕВЕНИДА МАСНАВИЙ ШАКЛИ	309
43.	ЗАРИНА РАҲМОНОВА	НАВОИЙ ВА ГЁТЕ ИЖОДИДА ИШҚ ТАЛҚИНИ	314
44.	MALİKA MANSUROVA	ГЁТЕ ИЖОДИДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ	320
45.	БЕКМУРОД БОЙЗОҚОВ	АНМАД ТАРОЗИЙ ВА СANOЙГ’ ILMLARI	324

2-ШЎБА.

ШАРҚ ВА ҒАРБ МАЪРИФАТЧИЛИГИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

46.	ГУЛНОЗА ЭРНАЗАРОВА	МИЛЛИЯТ ВА АДАБИЁТ	330
-----	--------------------	--------------------	-----

47.	ИСЛАМЖОН ЯКУБОВ, МУНИРА НИЯЗОВА	«ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ» РОМАНИДА СЕНТИМЕНТАЛ, ПРАГМАТИК ВА РАЦИОНАЛ КАЙФИЯТЛАР МУНОСАБАТИ	338
48.	АБДУҲАМИД ХОЛМУРОДОВ	АДАБИЁТДА ДИНИЙ-ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР	343
49.	ОЛИМ ОЛТИНБЕК	РАУФ ПАРФИ ИЖОДИДА ТУРКИСТОН МАВЗУСИ	348
50.	ДИЛЯРА ХАЛИЛОВА	ГЁТЕ И РУССКАЯ ЛИТЕРАТУРА	359
51.	УЛУҒБЕК ҲАМДАМОВ, ЗЕБО САБИРОВА	ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ АРАБ ШЕЪРИЯТИГА БИР НАЗАР	363
52.	ЙЎЛДОШ РАҲМАТОВ	АЛИШЕР НАВОИЙ ФАРДЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН МАҚОЛЛАР ХУСУСИДА	370
53.	НАЗЗОРА БЕКЗОДА, ПАРВИНА ҚАЗОҚОВА	«РАСУЛИНГНИ ШАФИЪ ЭТ, КИРДҒОРО...»	376
54.	ORZIGUL NAMROYEVA	VAZN VA QOFIYAGA ASOSLANUVCHI BADIY SAN'ATLARNING QIYOSIY TADQIQI	381
55.	ФЕРУЗА БУРХАНОВА	ҚИСМАТ БИТИГИ...	390
56.	ШАҲНОЗА ҚАҲҲОРОВА	АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА ФАНО ВА МАВТ МАСАЛАСИ	398
57.	ГУЛНОЗ ХАЛЛИЕВА, НАРГИЗА АДАМБАЕВА	НОЁБ ХОРАЗМ ҚЎЛЁЗМАСИ – «НАСИХАТНОМАИ ШОҲИЙ» АСАРИ	404
58.	ОДИЛЖОН АВАЗНАЗАРОВ	АЛИШЕР НАВОИЙ «ХАМСА»СИННИНГ ШЕЪРИЙ ТАБДИЛИ ХУСУСИДА	408
59.	ХАФИЗА КУЧКАРОВА	ФРАНС ҲОЛЕР ИЖОДИ ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК КОНТЕКСТИДА	414
60.	ЮЛДУЗ ЗИЯЕВА	АДАБИЁТДА ОШИҚ-МАЪШУҚА- РАҚИБ ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ	425
61.	ZILOLA NAMOZOVA, SHAHNOZA IZMURODOVA	MUMTOZ ADABIYOTDA HUDHUD OBRAZI	432
62.	ELMUROD NASRULLAYEV	NAVOIY BADIY MEROSINI ANGLASH: MUAMMO VA NATIJALAR	438
63.	SHOIRAXON XO'JAYEVA	«NAZM UL-JAVOHIR»DA ISLOMIY MA'RIFATNING POETIK TALQINI	444
64.	YULDUZ ABDULHAKIMOVA	NAVOIY VA FUZULIY «LAYLI VA MAJNUN» DOSTONLARIDA INSON- TABIAT KONSEPTI	448
65.	НИЛУФАР ДИЛМУРОВОВА	АСАД ДИЛМУРОД НАСРИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ	454
66.	СЕВИНЧ ЁҚУБОВА	ЎЗБЕК МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ВА ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ЎРНИ	462
67.	GULZODA ALIMOVA	NAVOIY ASARLARIDA TARIXIY SHAXSLAR	469
68.	NARGIZA G'ULOMOVA	NAVOIY MUALLIFLIK KORPUSINI TAKOMILLASHTIRISH MASALASIGA DOIR	478
69.	DILSHODJON ABDURAIMOV	MA'RIFATCHILIK ASRI GYOTE NIGOHIDA	483
70.	ZOXIDJON XOLIQOV	SHARQ ADABIYOTI RENOLD NIKOLSON NIGOHIDA	488

3-ШЎБА.			
ШАРҚ ВА ҒАРБ ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТИ			
71.	БАХТИЁР АБДУШУКУРОВ	АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР	494
72.	ФИРУЗА ИКРОМХОНОВА	ЧЕТ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА «КОРРЕКТИВ КУРС» ТУШУНЧАСИНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ТАЛҚИНИ	500
73.	ҲОШИМЖОН АҲМЕДОВ	НАСРИЙ ШЕЪРЛАР ҲАҚИДА	506
74.	ILNOM ASLONOV	«BOBURNOMA»DA AN'ANA VA ORIGINALLIK MUAMMOSI	513
75.	ХУРШИДА ЖАЛИЛОВА	ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ САЁҲАТНОМАЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИК ХОССАЛАРИ	518
76.	САЪДУЛЛО ҚУРОНОВ	ЎТИШ ДАВРИ РОМАНЛАРИ ВА ШАХС КОНЦЕПЦИЯСИ	529
77.	NILUFAR CHO'LIYEVA	HIKOYA JANRIDA METAMORFOZA XRONOTORI	535
78.	НИЛУФАР УМАРОВА	МИЛЛИЙ ЭТИКА ВА БАДИИЙ ТАФАККУР КЎЛАМДОРЛИГИ	539
79.	ШОХИДА КАРАМОВА	УСМОН АЗИМ ШЕЪРЛАРИДА ҲАЁТИЙ ТАФСИЛОТЛАРНИ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ	546
80.	ZIYODA MIRUSMANOVA	SOME FEATURES OF THE ORIENTAL IMAGE – SYMBOLS IN THE LYRICS OF G.G. BYRON	551
81.	МАДРАҲИМ САФАРБОЕВ, ОТАБЕК САФАРБОЕВ	АЛИШЕР НАВОИЙ ВА НАЖМИДДИН КУБРО МУНОСАБАТЛАРИ	554
82.	DILFUZA SHEROVA	I.V. GYOTENING «G'ARB-U SHARQ DEVONI»DA AMIR TEMUR SIYMO SI	561
83.	АЙИМХАН ЭШНИЯЗОВА	«ТУН ПАНЖАРАЛАРИ» – РАМЗИЙ- МАЖОЗИЙ ҚИССА	567
84.	UMIDA RAKHIMOVA	MOTHERHOOD IS THE PUBLIC PROPERTY IN ANNE ENRIGHT'S STORY «SHAFT»	571
85.	ГУЛБАҲОР РАСУЛОВА	АЙРИС МЁРДОКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАХС ОБРАЗИНИ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ	575
86.	AXROR QODIROV	ERIX MARIYA REMARK ASARLARIDA URUSH MAVZUSI	582
87.	АЗАМАТ ХАЙРУЛЛАЕВ	НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВНИНГ САРЛАВҲА ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ	586
88.	ҚАНДИЛАТ ЮСУПОВА	ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ ҲИКОЯЛАРИДА ИРҚЧИЛИК МУАММОЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ	595
89.	ОЙБАРЧИН АБДУЛҲАКИМОВА	АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ	598
90.	UMIDA ABDULLAYEVA	USMON AZIMNING IJROVIY LIRIKASI	604
91.	KAMOL NAKIMOV	ADABIY LANZALAR: NASR VA NAZM MUAMMOSI	611
92.	НУРИДДИН УБАЙДУЛЛАЕВ	«ТАНАЗЗУЛ» РОМАНИДА ОБРАЗЛАРИНИНГ ТАРИХИЙЛИГИ	616
93.	МАФТУНА НОРҚУЛОВА	ҚИССА ЖАНРИНИНГ МАЪРИФИЙ- ТАРИХИЙ ОМИЛЛАРИ	622

94.	BAHORA ERGASHOVA	JANNI RODARI ASARLARIDA IJTIMOIY-SIYOSIY SARGUZASHT MOTIVI	628
95.	KAMOLA AHMEDOVA	TAZKIRA JANRI TAKOMILI	633
96.	МОХИГУЛ ЭРГАШЕВА	БЕГАЛИ ҚОСИМОВ ВА ИНГЕБОРГ БАЛЬДАУФ	638
97.	ЛОЛАХОН ҚЎЗИБОЕВА	HEMIS DRAMATURGIYASIDA INSON QADRI TALQINI	642
98.	МУНИРА НИЯЗОВА	ГЁТЕ ИЖОДИДА СЕНТИМЕНТАЛИЗМ	648
99.	YORQINOY ISMONOVA	SHARQ VA G'ARB MUTAFAKKIRLARI IJODIDA O'XSHASH CHIZGILAR	653
100.	DILDORA ALIQULOVA	F.DYUSHEN IJODIDA AYOL OBRAZI TASVIRI	658
101.	SANOBAR SAYDAZIMOVA	PARANORMAL EPIZOD MUHIM POETIK KOMPONENT SIFATIDA	662
102.	E'ZOZA BOZOROVA	QUTLIBEKA RAHIMBOYEVANING NAZIRA BOG'LASH MAHORATI	666
103.	LAYLO TO'YCHIYEVA	«ULISS» VA «KAPALAKLAR O'YINI»: TIPOLOGIYA, INDIVIDUALLIK	672
104.	ELYOR MURTAZAYEV	ERIX MARIYA REMARK ASARLARI- DA URUSH VA INSON FOJIASI	677
105.	MALIKA SUYUNOVA	HAMZA IJODIDA XALQ BADIY TILINING O'RNI	683
106.	DILNAVOZ NAJIMOVA	O'ZBEK BOLALAR ADABIYOTI: O'TMISH VA BUGUN	687
107.	SITORA SHIRINOVA	O'ZBEK DETEKTIV QISSALARIDA RETROSPEKTIV SYUJET	692
108.	ZIYODA USMANOVA	XURSHID DAVRON IJODIDA NAVOIY OBRAZI	695
109.	MALIKA YUSUPOVA	ADABIYOTDA YOLG'IZLIK VA QO'RQUV MOTIVI	699
110.	MIRJALOL BAXTIYOROV	F.DOSTOYEVSKIYNING «TELBA» ROMANIDA MISHKIN OBRAZI	705
111.	ADIBA QO'CHQOROVA	SHILLER VA HAMZA	711
112.	GULNOZA ESHMURODOVA	«SARVQOMAT DILBARIM» VA «BAHOR QAYTMAYDI» QISSALARIDA MUHABBAT MAVZUSI	715
113.	НОДИРА ХУДОЙНАЗАРОВА	ФИТРАТ ВА БОЛТЕР	720
114.	AZAMAT JOVLIYEV	FITRATNING «YURT QAYG'USI» TURKUMIDA TURKISTON VA OVRO'PO QIYOSI	726
115.	SITORABONU ATAULLAYEVA	YUKSAK ADABIYOTGA DAXLDORLIK	733
116.	NORBIBI RO'ZIMURODOVA	NAVOIY IJODINING ZAMONAVIY SHE'RIYATIMIZGA TA'SIRI MASALASI	738
117.	SADOQAT KAMOLOVA	«TIRILISH» ROMANIDA INSON VA JAMIYAT TASVIRI	741
118.	MUXLISA ABDUJALOLOVA	ADABIYOTDA OTA VA BOLALAR MUAMMOSI YUZAGA KELISHINING O'RGANILISHI	745